

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2025 йил август ойининг 19 куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи: Т.Вахобов,

ҳайъат судьялари: Ф.Сиддиқова ва Х.Сотволдиевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчилари А.Эшматов ва А.Иргашевнинг котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратураси бўлим прокурори Н.Асқаров, судланган М.Мамажанов ва унинг ҳимоячилари П.Хайдаров ва И.Ниёзовнинг иштирокида, М.Мамажановга оид жиноят ишини уни ҳимоячилари билан биргаликдаги шикоятга асосан апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар судининг 2025 йил 20 майдаги ҳукмига кўра:

Мамажанов Махамадвали Обиджонович, 1988 йил 12 мартда Қувасой шаҳрида туғилган, тожик, Ўзбекистон фуқароси, уйланмаган, ишламаган, судланмаган, Қувасой шаҳар, “Дўстлик” МФЙ, Равон кўчаси, 48-уй, 2-хонадонда рўйхатда туриб, Қувасой шаҳар, “Дўстлик” МФЙ, Тўйтепа кўчаси, 27-уйда яшайди, иш бўйича қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 155<sup>2</sup>-моддасининг 2-қисми билан 8 йил, 244<sup>2</sup>-моддасининг 1-қисми билан 5 йил, 246-моддасининг 1-қисми билан 5 йил, ЖК 59-моддасининг 3-қисмига асосан 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, М.Мамажанов 2024 йилнинг 13 июнь куни ишлаш мақсадида, Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрига бориб, 2024 йилнинг август ойида интернет ижтимоий тармоқларида халқаро террорчилик ташкилоти раҳнамолари “Абдуллоҳ Зуфар”, “Содик Самарқандий” ва “Тохир Йўлдош”ларнинг диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган видеолавҳаларини томоша қилиб, уларни таъсирига тушиб, ўзининг “Iphone 6S” русумли телефон аппаратидан фойдаланиб, интернет ижтимоий тармоқларидан ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, ақидапараст оқимлар фаолиятига қатнашишга ундовчи ведеолавҳалар ва аудиоёзувларни сақлаб олиб, уларни мунтазам равишда тинглаб, Сурия давлатида фаолият олиб бораётган “Ҳайъат Таҳрир аш-Шом”



халқаро террористик ташкилотининг “Ғуроба” жамоати сафига кўшилиш мақсадида, “Telegram” мессенжериди “Ihlos-9” номли akkaунт яратиб, ушбу akkaунти орқали мазкур жамоат аъзоси бўлган “Abu Muhammad” номли akkaунт фойдаланувчиси билан мулоқотга киришиб, унинг даъватлари таъсирида онги ақидапарастлик ғоялари билан заҳарланиб, Сурия давлатига бориб, террорчилик ҳаракатларида иштирок этиш учун ўқувдан ўтиш ва террористик ҳаракатларида иштирок этиш мақсадида 2024 йил 30 декабрь куни Россия Федерациясидан Туркия давлатининг Истанбул шаҳрига бориб, дастлабки тергов ва судда аниқлашни имкони бўлмаган “Ҳайъат Таҳрир аш-Шом” ХТТнинг аъзоси “Хасан” исмли шахсга тегишли хонадонда халқаро террорчилик ташкилотлари таъсирига тушиб, террорчилик ҳаракатларида иштирок этиш учун ўқувдан ўтиш ва террористик ҳаракатларда иштирок этиш мақсадида Туркия давлатига келган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ш.Гафуров, К.Омонов ва Ж.Файзуллаевлар билан яшаб, улар билан биргалик айланма йўллар орқали Сурия давлатига ўтиб кетмоқчи бўлган вақтда Туркия давлатининг ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан ушланган.

Бундан ташқари, М.Мамажанов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2025 йилнинг 30 январь куни ўзининг “Iphone 6S” русумли телефон аппаратидан фойдаланган ҳолда, интернет ижтимоий тармоқларидан юклаб олган, ақидапарастлик ғоялари билан йўғирилган, ақидапараст оқимлар фаолиятига қатнашишга ундовчи “Муҳаммад ал Мукид”га тегишли бўлган “Нашида” номли, “Тохир Йўлдош”га тегишли бўлган “Жиход” номли ва “66 дарс гуноҳи кабиралар, Куфр ва тоғут” номли видеолавҳаларни ҳамда “Асиралар” номли аудиоёзувларни божхона назоратидан яшириб, контрабанда йўли билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирган.

Олиб борилган терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида, М.Мамажановга тегишли бўлган “Iphone 6S” русумли телефон аппарати мутахассис ва холислар иштирокида кўздан кечирилганида, у мазкур телефон аппаратида “Муҳаммад ал Мукид”га тегишли бўлган, 00:32 дақиқалик, “Нашида” номли, “Тохир Йўлдош”га тегишли бўлган, 02:13 дақиқалик, “Жиход” номли ва “66 дарс гуноҳи кабиралар, Куфр ва тоғут” номли, 01:02 дақиқали, видеолавҳаларни ва “Асиралар” номли, 05:37 дақиқали, аудиоёзувларни сақлаб келаётганлиги аниқланиб, улар “MIRRO” номли DVD дискка кўчириб олиниб, телефон аппарати далилий ашё тариқасида олинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмитанинг 07.02.2025 йилдаги IG-197-сонли хулосасига кўра, М.Мамажановнинг телефон аппаратидан олинган материаллардаги маълумотлар диний ақидапарастлик ғоялари билан йўғирилганлиги, уларда ақидапараст оқимлар фаолиятига қатнашишга ундовчи ғоялар мавжудлиги, уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатиш тақиқланиши кўрсатилган.

Судланган М.Мамажанов ҳимоячилари билан биргаликдаги апелляция шикоятда, ҳаракатларида ЖК 155<sup>2</sup>-моддасининг 2-қисми, 244<sup>2</sup>-моддасининг 1-қисми ва 246-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноят аломатлари



йўқлиги сабабли оқлов ҳукми чиқаришни сўрашган.

Судлов ҳайъати иш бўйича вилоят суди судьяси Т.Вахобовнинг маърузасини, прокурор Н.Асқаровнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантirmасдан қолдириш, судланган М.Мамажанов ва ҳимоячилар П.Хайдаров ва И.Ниёзовнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, апелляция шикоятдаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгартиришни лозим топди.

Суд ҳукмида, содир этилган жиноят тафсилотлари тўғри аниқланиб, судланган М.Мамажановнинг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиб, асосли равишда рад этилган ва судда текширилган далиллар – судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун етарли деб ҳисобланиб, унинг ЖК 155<sup>2</sup>-моддасининг 2-қисми, 244<sup>2</sup>-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этганликдаги айби, ўзининг суддаги айбига қисман иқроп бўлиб берган кўрсатуvidан ташқари, судда текширилган Ш.Гафуров, К.Омонов, Ж.Файзуллаевнинг кўрсатувлари, Туркия Республикаси Адана губернаторлиги Миграция бошқармасининг 27.01.2025 йилдаги хати ва унга илова қилинган ҳужжатлар, шахсни фотосуратидан таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси ҳамда жиноят ишидаги объектив далиллар йиғиндиси билан тасдиқланганлиги тўғрисида асосли хулосага келиниб, уни ҳаракати ЖК 155<sup>2</sup>-моддасининг 2-қисми, 244<sup>2</sup>-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Бироқ, дастлабки тергов органи ва биринчи инстанция суди томонидан М.Мамажановни ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 246-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилиниб, хатоликка йўл қўйилган.

Ишнинг ҳақиқий ҳолатларига кўра, М.Мамажанов Сурия давлатида фаолият олиб бораётган “Ҳайъат Таҳрир аш-Шом” халқаро террористик ташкилотининг “Ғуроба” жамоати сафига қўшилиш мақсадида, “Telegram” мессенжерда “Thlos-9” номли akkaунт яратиб, ушбу akkaунти орқали мазкур жамоат аъзоси бўлган “Abu Muhammad” номли akkaунт фойдаланувчиси билан мулоқотга киришиб, унинг даъватлари таъсирида онги ақидапарастлик ғоялари билан заҳарланиб, Сурия давлатига бориб, террорчилик ҳаракатларида иштирок этиш учун ўқувдан ўтиш ва террористик ҳаракатларида иштирок этиш мақсадида 2024 йил 30 декабрь куни Россия Федерациясидан Туркия давлатининг Истанбул шаҳрига бориб, дастлабки тергов ва судда аниқлашни имкони бўлмаган “Ҳайъат Таҳрир аш-Шом” ХТТнинг аъзоси “Хасан” исмли шахсга тегишли хонадонда халқаро террорчилик ташкилотлари таъсирига тушиб, террорчилик ҳаракатларида иштирок этиш учун ўқувдан ўтиш ва террористик ҳаракатларда иштирок этиш мақсадида Туркия давлатига келган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ш.Гафуров, К.Омонов ва Ж.Файзуллаевлар билан яшаб, улар билан биргалик айланма йўллар орқали Сурия давлатига ўтиб кетмоқчи бўлган вақтда Туркия давлатининг ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан ушланган ва



М.Мамажановни телефони ва бошқа хужжатлари билан Туркия давлати томонидан Ўзбекистон Республикасига ҳаво йўллари орқали қайтариб юбориш учун Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига топширилиб, Ўзбекистон Республикасига олиб келинган.

Бундай ҳолатда М.Мамажановнинг қасди телефонида бўлган диний ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни Туркия Республикасидан божхона чегараси орқали Ўзбекистон Республикасига контрабанда қилиб олиб киришга қаратилган деб баҳолаб бўлмайди.

Шу сабабли, апелляция инстанцияси М.Мамажановнинг айбидан ЖК 246-моддасининг 1-қисми чиқариб, ишнинг шу қисмини ҳаракатдан тугатишни лозим топади.

Апелляция инстанцияси суди, судланган М.Мамажановнинг химоячилари билан биргаликда апелляция шикоятдаги, ҳаракатларида ЖК 155<sup>2</sup>-моддасининг 2-қисми ва 244<sup>2</sup>-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноят аломатлари йўқлиги ҳақидаги вазларни муҳокама қилиб, ушбу вазларни:

ўзининг дастлабки терговда химоячиси иштирокидаги, “Телеграм” мессенжеридан “Ihlos-9” номли профил очиб фойдаланишни бошлаганлиги, ўзини “Iphone 6S” русумли телефон аппарати ёрдамида “YouTube” платформасида диний мазмундаги маърузаларни тинглаб юрганлиги, у диний мазмундаги материалларни кўриш жараёнида “Абдуллоҳ Зуфар”нинг “жиҳод” номли, “Содиқ Самарқандий”нинг “жиҳод” ҳақидаги, “Тохир Йўлдош”нинг “жиҳод” номли, “Махаммад ал Мукид”нинг “нашида” номли, “Асиралар” номли ва бошқа маърузаларни тинглаб, телефон аппаратида сақлаб олганлиги, улар мусулмон инсон Аллоҳ йўлида жиҳод қилиши шартлиги, жиҳодда иштирок этиб вафот этган шахс шахид бўлиши, шахидлар жаннатда энг юқори даражада бўлиши, ҳозирда Сурия давлатида кофирлар мусулмонларни ўлдиришаётганлиги, мусулмон киши бунга бефарқ бўлмасдан Сурия давлатига бориб дин учун жангларда иштирок этиши кераклигини айтишганлиги, бу турдаги маърузаларни кўп эшитганлиги сабабли умрини бекордан-бекор гуноҳ ишлар билан ўтказиб юборгани ҳақида фикрга келиб қолганлиги, шундан кейин, 2024 йил август ойларида “Абдуллоҳ Зуфар”нинг “YouTube” платформасидаги каналга жойлашган “Жиҳод” номли видеолавҳасида жиҳод қилиш истагида бўлган мусулмонлар боғланиши учун деган силка устига босганлиги, силка устига босганидан кейин “Телеграм” мессенжеридagi унга нотаниш шахснинг телеграм akkaунтига боғланиб қолганлиги, шундан кейин унга ўзбек тилида жиҳод қилмоқчи эканлиги ҳақида хабар ёзганлиги, кейин ушбу унга нотаниш бўлган шахс жиҳод қилиш учун телеграм мессенжеридagi “Abu Muhammad” номли akkaунт билан боғланиши кераклигини айтиб, унга “Abu Muhammad” номли akkaунт номини юборганлиги, шундан кейин ушбу шахс унга юборган “Abu Muhammad” номли akkaунт устига босиб, ушбу шахсга ҳам ўзбек тилида жиҳод қилиш истагида эканлигини, у билан боғланишини айтишганлиги ҳақида хабар юборганлиги, шундан кейин ушбу akkaунт эгаси унга ўзбек тилида қаердан эканлиги ҳақида хабар ёзганлиги, кейин унга Фарғона вилоятидан эканлиги,



хозирда ишлаш мақсадида Россия Федерациясига келганлигини айтганлиги, кейин ушбу шахс унга “Ғуроба” жамоатидан эканлиги, жиҳод қилиш учун дастлаб Туркия давлатининг Истанбул шаҳрига бориши кераклиги, у ерга борган вақтида унга хабар бериши лозимлиги, уни Туркия давлатидаги “Ғуроба” жамоати аъзолари кутиб олиб, айланма йўллар орқали Сурия давлатига ўтказиб юборишларини, у Сурия давлатига келганидан кейин дастлаб аскарий машғулотларда иштирок этишини, шундан кейингина “Ғуроба” жамоати сафларида жангларда иштирок этиши, йўл харажатлари ва бошқа харажатлар учун ўзи билан 800 АҚШ доллари пул маблағи олиб олиши лозимлигини айтганлиги, бу вақтда уни 800 АҚШ доллари пул маблағи бўлмаганлиги сабабли унга керакли бўлган пул маблағини жамғариб хабар беришини айтганлиги, шундан кейин Сурия давлатига бориб, у ерда бўлаётган урушларда иштирок этишни ва катта савобга эга бўлишни ҳамда шахид бўлишни мақсад қилганлиги, шундан кейин ишлаб пул жамғаришга тушганлиги, 2024 йил декабрь ойида йўл харажатлари учун керакли бўлган пул маблағини жамғариб бўлганидан кейин “Телеграм” мессенжери орқали “Abu Muhammad” номли akkaунт эгаси билан мулоқотга киришиб, унга керакли бўлган пул маблағларини жамғариб қўйганлигини айтганлиги, шундан кейин унга Туркия давлатининг Хатай шаҳрига боришини, Туркияга етиб бориши билан унга хабар беришини айтганлиги, шундан кейин жиҳод қилиш мақсадида 2024 йил 30 декабрь куни РФнинг Екатеринбург шаҳрида жойлашган аэропортдан Туркия давлатининг Истанбул шаҳрига борганлиги, 2024 йил 30 декабрь куни соат 09:00да Истанбул шаҳрига етиб келганлиги, шундан кейин “Abu Muhammad” номли akkaунт эгасига Истанбул шаҳрига келганлиги ҳақида хабар юборганлиги, шундан кейин унга Хатай шаҳрига боришини, Хатай шаҳрига яқинлашган вақтида, унга яна хабар беришини айтганлиги, қоронғу тушиб қолганлиги сабабли аэропорт яқинидаги меҳмонхонага кириб жойлашганлиги, эртаси куни аэропорт яқинидаги автовакзалга бориб, Хатай шаҳрига борадиган автобусларга билет сотиб олганлиги, шундан кейин автобусда Хатай шаҳрига етиб борганлиги, йўл узоклиги сабабли 2025 йил 02 январь куни соат 18:00ларда Хатай шаҳрига етиб борганлиги, Хатай шаҳрига келганидан кейин “Abu Muhammad” номли akkaунт эгаси билан мулоқотга киришиб, унга Хатай шаҳрига келганлигини айтганида, у унга “+20” билан бошланадиган Туркия давлатига тегишли бўлган шахсининг Телеграм мессенджеридеги akkaунтини юбориб, унга турган жойи жойлашувини юборишини, уни исми “Хасан” эканлигини, “Хасан” уни айланма йўллар орқали Сурия давлатига ўтказиб юборишини айтганлиги, шундан кейин у Телеграм мессенджеридеги akkaунти орқали ушбу akkaунтга жойлашув манзилини юборганлиги, бу вақтда у Хатай шаҳрида жойлашган автовакзалда турган бўлганлиги, у жойлашувини юборганидан кейин олдида унга нотаниш бўлган, ёши 50-55 ёшлардаги, араб миллатига мансуб бир шахс унга нотаниш бўлган, ёши 30-35 ёшларда бўлган араб миллатига ўхшаш шахс билан келишиб, уни “КИА” русумли автомашинасида Рейхоний номли маҳаллада жойлашган хонадонга олиб боришганлиги, у ерга борганида унга нотаниш бўлган 3 нафар шахслар борлигини кўрганлиги, улар билан



суҳбатлашганида, уларни бири Тошкент вилоятилик Шахзод, яна бири Тошкент шаҳарлик Комилжон, яна бири Жиззахлик Жаҳонгир эканлигини билганлиги, Тошкент вилоятилик Шахзод араб тилини билишини, Шахзод уни олиб келган Хасан исмли шахс билан араб тилида суҳбатлашганлиги, Шахзод унга Хасан уйдан жой берганлиги ва Сурия давлатига ўтказиб юбориши учун унга 400 АҚШ доллари пулларни бериши керак эканлиги айтаётганлиги, бир икки кун ичида Сурия давлатига ўтказиб юборишини айтаётганлигини маълум қилгани, шундан кейин у Шахзод орқали Хасан исмли шахсга 250 АҚШ доллари пуллари бор эканлигини, 400 АҚШ доллари пули йўқ эканлигини айтганлиги, чунки Хатайга етиб келгунича пулларини ишлатиб бўлганлигини, шундан кейин Шахзод унга Хасан пул беришини сўраётганлиги айтганлиги, шундан кейин Хасанга 250 АҚШ доллари пулларини берганлиги, кейин Хасан исмли шахс олиб борган хонадонга жойлашганлиги, у Шахзод, Жаҳонгир, Комилжон исмли шахслар билан бир хонага жойлашганлиги, улар билан суҳбатлашган вақтида, улар ҳам у каби Сурия давлатига урушларда иштирок этиш учун кетишаётганлигини, урушларда иштирок этиб шахид бўлиш ниятида эканлигини, уларни барчаси у каби “Ғуроба” жамоати сафига қўшилиш ниятида эканлигини айтишганлиги, “Abu Muhammad” номли аккаунт эгаси унга “Ғуроба” жамоатидан эканлиги, “Ғуроба” жамоати сафида урушларда иштирок этишини айтганлиги, 2025 йил 03 январь куни соат 20:00да Хасан исмли шахсни хонадонда Хасаннинг ишорасини кутиб, Шахзод, Жаҳонгир, Комилжон исмли шахслар билан ўтирган вақтида, хонадонга Туркия давлатининг ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари келишиб, уларни ва уй эгаси Хасан исмли шахсни идораларига олиб боришганлиги, шундан кейин улардан нима мақсадда Туркия давлатига келганлигини сўрашганида, уларга Сурия давлатига бориб урушларда иштирок этиш мақсадида келганлигини, Хасан исмли шахс уларни айланма йўллар орқали Сурия давлатига жўнатиб юборишини айтиб, пулларини олганлигини айтишганлиги, шундан кейин Туркия ҳуқуқ-тартибот ходимлари уни, Шахзод, Жаҳонгир ва Комилжонни самолётда Ўзбекистон Республикасига жўнатиб юборишганлиги, уларни Тошкент Халқаро аэропортида ИИБ ходимлари кутиб олишиб, мазкур ҳолатлар юзасидан ҳужжатлар расмийлаштиришгани ҳақидаги (1-ж.,и.в.59-66,83-90,164-171);

судда текширилган Ш.Гафаровнинг, у Сурия давлатига бориб “Ғуроба” террорчилик ташкилотига аъзо бўлиб, урушларда иштирок этиш мақсадида Туркия давлатига борганлиги, уни Туркия давлатидан Сурия давлатига Хасан исмли шахс ўтказиб юбориши лозим бўлганлиги, у Хасан исмли шахсни хонадонда М.Мамажанов, Ж.Файзуллаев ва К.Омоновлар билан бирга яшаганлиги, М.Мамажанов ва бошқалар ҳам “Ғуроба” террорчилик ташкилотига аъзо бўлиб, жисмоний ўқувларни ўрганиб, урушларда иштирок этиш мақсадида Хасан исмли шахсни хонадонига келишганлиги, уларни Туркия давлати ҳуқуқ-тартибот идоралар қўлга олишиб, Ўзбекистон Республикасига жўнатиб юборганлиги ҳақидаги;

К.Омоновнинг, у Сурия давлатига бориб “Ғуроба” террорчилик ташкилотига аъзо бўлиб, урушларда иштирок этиш мақсадида Туркия



давлатига борганлиги, уни Туркия давлатидан Сурия давлатига Хасан исмли шахс ўтказиб юбориши лозим бўлганлиги, у Хасан исмли шахсни хонадонига М.Мамажанов, Ж.Файзуллаев ва Ш.Гафаровлар билан бирга яшаганлиги, М.Мамажанов ва бошқалар ҳам “Ғуроба” террорчилик ташкилотига аъзо бўлиб, жисмоний ўқувларни ўрганиб, урушларда иштирок этиш мақсадида Хасан исмли шахсни хонадонига келишганлиги, уларни Туркия давлати ҳуқуқ-тартибот идоралар қўлга олишиб, Ўзбекистон Республикасига жўнатиб юборганлиги ҳақидаги;

Ж.Файзуллаевнинг, у Сурия давлатига бориб “Ғуроба” террорчилик ташкилотига аъзо бўлиб, урушларда иштирок этиш мақсадида Туркия давлатига борганлиги, уни Туркия давлатидан Сурия давлатига Хасан исмли шахс ўтказиб юбориши лозим бўлганлиги, у Хасан исмли шахсни хонадонига М.Мамажанов, К.Омонов ва Ш.Гафаровлар билан бирга яшаганлиги, М.Мамажанов ва бошқалар ҳам “Ғуроба” террорчилик ташкилотига аъзо бўлиб, жисмоний ўқувларни ўрганиб, урушларда иштирок этиш мақсадида Хасан исмли шахсни хонадонига келишганлиги, уларни Туркия давлати ҳуқуқ-тартибот идоралар қўлга олишиб, Ўзбекистон Республикасига жўнатиб юборганлиги ҳақидаги кўрсатувлари ҳамда ишдаги далиллар мажмуи билан рад қилиб, ушбу важларни ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мос келмаган ўзини жиноий жавобгарликдан қутқариш мақсадида келтирилган, ишончга сазовор бўлмаган важлар сифатида танқидий баҳолаб, ушбу важлар билан келишмади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги, 26-бандида, озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга қўлланилиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Апелляция инстанцияси суди, биринчи инстанция суди томонидан М.Мамажановга жазо тайинлашда, юқоридаги Пленум тушунтиришларига риоя қилиб, унинг шахси, айбига қисман иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилавий шароитини жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида, жиноятни ғаразли ниятларда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида инобатга олиш билан бир қаторда, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини ҳисобга олиб, унга нисбатан ЖК 155<sup>2</sup>-моддасининг 2-қисми ва 244<sup>2</sup>-моддасининг 1-қисми билан қонун санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини жиноятлар мажмуи бўйича тайинлаб адолатли хулосага келган.

Зеро, ЖКнинг 42-моддасига кўра, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Юқоридагиларга кўра, апелляция инстанцияси суди М.Мамажановга



нисбатан чиқарилган суд ҳукмини ўзгартириб, унга ЖК 155<sup>2</sup>-моддасининг 2-қисми ва 244<sup>2</sup>-моддасининг 1-қисми билан тайинланган жазоларни аслича ўзгаришсиз қолдириб, унинг айбидан ЖК 246-моддасининг 1-қисмини чиқаришни ва ушбу модда билан тайинланган жазони бекор қилиб, ЖК 59-моддасининг 3-қисми тартибида тайинланган жазони камайтиришни, суд ҳукмининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни, судланган М.Мамажановнинг ҳимоячилари билан биргаликдаги апелляция шикоятини қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 485,495,497<sup>26</sup>, 497<sup>31</sup>-моддаларига асосан апелляция инстанцияси суди

### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Мамажанов Махамадвали Обиджоновичга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар судининг 2025 йил 20 майдаги ҳукми ўзгартирилсин.

М.Мамажановнинг айбидан ЖК 246-моддасининг 1-қисми чиқарилсин ва ушбу модда билан тайинланган жазо бекор қилинсин.

М.Мамажановга Ўзбекистон Республикаси ЖК 155<sup>2</sup>-моддасининг 2-қисми ва 244<sup>2</sup>-моддасининг 1-қисми билан тайинланган жазолар аслича ўзгаришсиз қолдирилсин.

М.Мамажановга ЖК 59-моддасининг 3-қисми тартибида тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддати 8 йил 6 ойга келтирилсин.

Суд ҳукмининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Апелляция шикояти қисман қаноатлантирилсин.

Апелляция инстанциясининг ажрими устидан Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

имзо

Т.Вахобов

Ҳайъат судьялари:

имзо

Ф.Сиддиқова

имзо

Х.Сотволдиев

Ажрим нусхаси аслига тўғри

Вилоят судининг судьяси:

Т.Вахобов



Раислик қилувчи

Т.Вахобов

Ҳайъат судьялари

Ф.Сиддикова

Х.Сотволдиев

Ҳужжат имзоланган: Вахобов Тохиржон Зафарович, 23.08.2025



Раислик қилувчи:  
Ҳайъат судьялари:

имзо  
имзо  
имзо

Т.Вахобов  
Ф.Сиддиқова  
Х.Сотволдиев

“Ажрим нусхаси аслига тўғри”  
Вилоят судининг судьяси:

Т.Вахобов

Ҳужжат имзоланган: Вахобов Тохиржон Зафарович, 23.08.2025

